Ҳидингдан танийман берек бўлас гар.
Бир оғиз бўлас ҳам гапир ўзбекча,
Кўнглимга жаннатнинг ҳавоси етар.

Бир мақом ўзгарса бўлурми шунча,
Мени танимади хитойлик Иқбол.
Кўлдию чуғураб деди бир нима,
Яна чуғуради, кўлди яна бо.

Шунча қилдим, англаб етмади сира,
Кетди кулиб-кулиб. Бўлди, қайтаман.
Энг зарур сўзимни ўзбекчасига
Бас, ўз Иқболимга бориб айтаман!

ДУР ҚАДРИ

Якка-дур, ёлғиз дур — мома мероси,
Етарди кўтида гард-ғубор босиб.
Неча дур бирлашиб таманно қилгач,
Ёр сулув бўйига кўрди муносиб.

Зарифа УМАРОВА

БУЛБУЛЛАР ХОНИШИ ТИНМАС ЧАМАНДА

ТОНГНИ КУЗАТДИМ

Кўздан уйқу кетиб саҳар паллада,
Хайёл оғушида, тонгни кузатдим.
Булбуллар хониши тинмас чаманда,
Гуллар гуччасига қўлим узатдим.

Булбул ҳам интизор гунча кўйида,
Чаманда гунчалар очилмоғи бор.
Шудринг томчилари дон дур қаб
Пойингга томчилаб сочилмоғи бор.

Юлдузларни гулдек сочиб чиқди тун,
Нозик келинчақдек чиқиб келар кун.
Ҳа демай далага отланар деҳқон,
Шукур, Ватан тинчдур, ризқимиз бутун.

Кўёш бош кўтарар заррин нур сочиб,
Замин кечадиган ёрқин, улғувор.
Майсалар унбди, тошдан гул очиб,
Менинг юрагимда ҳайрату икор.

Эзгу ҳис дилда жо, дарвоза очдим,
Фаришталар кирсин уйлариимизга.
Файз кетмасин юртдан,
Диллардан иймон,
Кувонч мавзу бўлсин куйларимизга.

ҚУШ КЎНГЛИНИ СЎРАШ

Ёритдинг тўлун ой қаби йўлимин,
Офтоб каби қабоб қилдинг дилмин.
Ёриқон, васлигга интизор бўлдим,
Айтгин қачон сўраб борай кўлингини?

Кўзунчоғим дея атайми сени?
Юрагимга тақдим бир донасини.
Йўқотиб қўймайин дейманда сени,
Айтгин қачон сўраб борай кўлингини?

Шўхликлар-эркаликлар қилиб куласан,
Ўз-ўзинча жоду этиб кўясан,
Ич-ичингдан сездирмасдан сусасан,
Сўраб борайинму айтгин кўлингини?

Сочларинг шамолда сочилиб ўйнар,
Юражда ниқ заҳин очилиб қийнар.
Жонгинан, фикр қил, бахтингни ўйлаб,
Қачон сўраб борай, айтгин, кўлингини?



ТОҲИР-ЗУХРОМИ ДЕБ СЎРАШАР

Келиним деганман азиз қизим,
Мустақил яшага берганман изи,
Ойламинда тугал кўлдим тўрт кўзни,
Ўғлимда кўраман ёшлигингизни.

Сиз қаби фикрлар, салмоқли сўзлар,
Издан из қолсин — ўғилу қизлар,
Гоҳида ёнма-ён ўтирсангизлар,
Ўғлимда кўраман ёшлигингизни.

Қандай кийим кийса жуда ярашар,
Келин унга мендан зиёд қарашар,
Қўрғиллар Тоҳир-Зухроми деб сўрашар,
Ўғлимда кўраман ёшлигингизни.

Гул қаби асрайди ўз аёлини,
Оғир, босиб олган ўй-ҳаёлини,
Одамдан аямас жону моллини,
Ўғлимда кўраман ёшлигингизни.

Ўғлим билан келиним аҳил бўлди хўб,
Биздек кўнглилари яқин бўлди хўб,
Орзу ниятимиз ҳосил бўлди хўб,
Ўғлимда кўраман ёшлигингизни.

Ўғлингиз узун бўлса, қолмас армоним,
Оғир кўнглимда сиз меҳрибоним,
Кўз очиб кўрганам, турмуш ўртоғим,
Ўғлимда кўраман ёшлигингизни.

Бўка.

ФАРЗАНД

Одатингдан айланай, элим,
Одатингга жонлар сабақа.
Сен қаби бир отажон эл йўқ,
Отажон эл йўқдир сендақа.

Дастурхонда отадан аввал
Таомга қўл урилмас широр.
Чиқма асло ота ўтирган
Том устига, деган гаплар бор.

Она кўнглин ола билсанг гар,
Эта олсанг истагин вожиб,
Борганинг шу Маккага, дерлар,
Бўлганинг шу, дейдилар, ҳожжи.

Ота-она давра қурган жой
Фарзанд учун қиладох, шараф.
Узатмаслар қиблага оёқ,
Саъда қилур қиблага қараб.

Ўзбек ўғли унутмас бунни,
Болалардан билса жо қилар.
Шу икки зот оёқ остини
Изат уйин тўри деб билар.

Ҳатто кун битса вақт етиб,
Болалардан билса жо қилар.
Шу икки зот оёқ остини
Изат уйин тўри деб билар.

ПАЛАК

Уй тўрида осегайқ турар
Ипак ила безалган палак.
Бир маҳаллар уни сеп билан
Олиб келган эди келинчақ.

Гарчи "Мен қилмаган жиноят қолган эмас!" деган бўлса-да, Толстой барибир буюклига қолаверади. Бинобарин, унинг иккороида тоза бир самимиёт, пушаймонлик, энг муҳими, тавба бор. Эҳтимол, шунинг учун ҳам у охир-оқибат Ҳақни, ҳақиқатни топади. "Худонинг мавжудлигига ишончлини йўқотган кезларимдаги ҳаётимни ҳаёт деб бўлмайдим... — деб ёзган эди адиб. — Мен фақат Уни ҳис қилган чоғларимда, Уни излаган чоғларимдагина чиндан ҳам яшайман. "Хўш, мен нимани излапман? — деб садо беради дилимдаги овоз. — Мана У. Усиз яшаб



ҲАЗРАТИ МУҲАММАД (с.а.в.) ХААДСААРИ ШУ ТОЛСТОЙ САНГАЧАСИДА

этилган Исломга буюк бир муҳаббат билан яшаган. Ҳатто пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларидан намуналарни русийзабон ўқувчиларга етказиш мақсадида таржима қилиб, "Посредник" нашриётида чоп қилдирган. Абдуллоҳ Суҳравардийнинг "Ҳазрати Муҳаммаднинг ҳадислари" китобидан олинган бу ҳадислар, профессор Хамидулла Болтабоев тўғри таълиқлаганидек, "ўта нозик руҳоний дид билан сайланган... ва Толстой эътиқодининг нақадар теранлиги"дан далолат беради. "Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) ҳадислари Лев Толстой сайламасида" китоби тўрт бўлимдан иборат. Биринчи бўлим улғу ёзувчи сайлаган ҳадислар таржимаси ва улгарга ёзилган изоҳлардан ташкил топган. Иккинчи

Пайгамбарнинг содиқ дўстларидан бирига айланган". Ана, ислом маърифати! Бу дин ҳазрат Ясавий айтмоқчи: "Суннат эрмиш: кофир бўлса берма озор, Кўнгли қаттиқ дилозордан Худо безор" дея тарбия беради. Шоҳ Машраб каби "Мардумозор" килиб, бўлма Худони душмани, Осмонга етса бошинг, қилмагил моумани", дея дилозорликдан, манманликдан қайтаради. Мазкур ҳадисда душманни қай тарзда дўста айлантириш мумкинлиги ҳақидаги буюк бир ибрат ўз ифодасини топган. Энг муҳими, бу ҳадис бошқа бир диний муҳитда тарбия топган буюк адибни таъсирлантирган.

Рухият иқлимлари

Толстой сайлаган ҳадислар мағзини қаҳш буюк адибнинг исломни чуқурроқ ўрганишга интиланганидан далолат

беради. Бу динга тоза бир кўнгли билан муҳаббат қўйганини кўрсатади. Мана, уллардан айримлари: — Ҳақиқат инсонлар учун нақадар аччиқ бўлса-да, ҳақиқатни сўйлагин. — Ҳамма кишилар учун яратилган нарсалардан фақат ўзи учун фойдаланган кимса айбдор ва қонун олдида жавобгардир. — Ҳидоят йўлини топганлар, ноури мунозарага берилмасалар эди, бу йўлдан адашмас эдилар. — Ҳамма кишилар учун яратилган нарсалардан фақат ўзи учун фойдаланган кимса айбдор ва қонун олдида жавобгардир. — Ҳамма кишилар учун яратилган нарсалардан фақат ўзи учун фойдаланган кимса айбдор ва қонун олдида жавобгардир. — Ҳамма кишилар учун яратилган нарсалардан фақат ўзи учун фойдаланган кимса айбдор ва қонун олдида жавобгардир.



— Кишиларнинг қусурларини, агар у қусурлар уларнинг ўзларидан бўлса ҳам юзига солмоқдан сақлан.

Илм ўрганмоқ ҳар бир мусулмонга фарздор. Илмини ноаҳилга ўргатмак тўнғизларнинг бўйига гавҳар, инжу ва олтин тақшига ўхшайди.

— Сиздан мол-давлат ва ҳуснда устун бўлган одамни кўрганга куйроққа ҳам қарама. Бу Оллоҳнинг нозимини кам деб билишдан сақлайди.

— Ҳидоят йўлини топганлар, ноури мунозарага берилмасалар эди, бу йўлдан адашмас эдилар.

— Ҳамма кишилар учун яратилган нарсалардан фақат ўзи учун фойдаланган кимса айбдор ва қонун олдида жавобгардир.

Китобнинг иккинчи қисмида Елена Векилова ва Толстой ёзишлари берилган. Бу ёзишлар Толстойнинг эътиқоди, Исломга муносабати масаласида қimmatли маълумотларни муҳасам этгани билан алоҳида аҳамиятга эга. Мана, ўз фарзандларининг ислом динига илхоси баландлигини айтиб, ундаги маслаҳат сўраган христиан она Елена Векиловага Толстойнинг жавоби: "Бу гапни айтиш жуда фалати бўлса-да, мен учун муҳаммадийлик, яъни ислом дини хочга топинмоқдан (насонийликдан) қийсалб бўлмас даражада юксакдир. Агар инсон таллаш ҳуқуқига эга бўлса эди, оқил ҳар бир проваслав (насоний) ва ҳар би киши, шубҳасиз, иккиланмасдан муҳаммадийликни: ягона Оллоҳ ва унинг пайгамбарларини қабул қилган бўлар эди. Нега? Чунки муҳаммад ва тушунарсон дин хисобланган Троица (Ота, Исо ва Муқаддас Рух)... турли сирли, муҳаммад расм-русумларга тула-

дир... Яъни асл ақида-лар ўрнини эгаллаган бир неча ботил кишиларнинг черков инончидан баландда турмаслиги тайиндир".

Толстой барча буюк тафаккур эгалари қаби ҳақпараст бўлган. Шунинг учун ҳам ўзи танлаб таржима қилган "Ҳақиқат инсонлар учун нақадар аччиқ бўлса-да, ҳақиқатни сўйлагин" мазмундаги ҳадисга амал қилган. Улғу адибнинг Елена Векиловага жавоб мактубидаги мана бу сўзлари унинг ҳар қандай вазиёта ҳақиқатнинг юзига тик қараганини тасдиқлайди: "Мусулмонликнинг насронийликдан устунлиги ва, айниқса, фарзандларингиз хизмат қилмоқчи бўлган гоёнинг олжаноблигига бутун қалбим билан ишонаман. Христиан идеали ва таълимотиини ҳар нарсадан баланд тутган бир инсон учун бунини

айтиш гоёт фалати бўлса-да, тан олишим керакки, мусулмонлик ўзига хос таъши кўриниш жиҳатдан ҳам черков христианлигидан қийс қилиб бўлмас даражада устун эканлиги менда ҳеч бир шубҳа уйғотмайди. Агар бир кишига черков христианлиги ёхуд Ислам динига кириш босарида таллаш ихтири берилса, ўйламанки, ҳар бир ақли одам мураққаб ва тушунарсон илоҳидан, уч сифатли Оллоҳдан, гуноҳдан чиқариш маросимию бошқа диний удуллардан, Исонинг онасига ёлворилишдан, "Муқаддас шахслар" ва уларнинг расмлари олдидаги сон-саноксиз ибодатлардан кўра ягона Оллоҳ ва Унинг пайгамбарларини; Ислам дини албатта устун кўради. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас".

Лев Толстой фикрлари ҳар бир тафаккур соҳибини ўйлантириши аниқ. Бу мулоҳазаларни бефарқ ўқиб бўлмайди. Айниқса, мусулмон фарзандларини турли диний секталарга тортиш мақсадида қаратилган миссионерлик фаолияти бирмуноча кучайган, баъзан ислом маърифатининг асл моҳиятидан қалтириш холатлари кузатилаётган бир замонда Толстой ўғитиларга, улғу адиб иккороига қулқол солиш фақат ва фақат фойда келтирган бўлар эди.

Бугунги кунда нашриётларнинг кўп, ноширлар ҳам бисёр. "Шарқ" нашриёт-матбаа компанияси, "Ўзбекистон", "Манавият" нашриётлари ўзбек ноширлигида алоҳида мақомга эга бўлиб бораётганга гувоҳимиз. Шулар қаторида бугун Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти сезиларли даражада фаоллашганини таъкидлаш, қутлаш керак. Нашриёт миллий маънавиятимизни тақомиллини ўйлаб чоп этаётган китоблар ҳам мазмун-моҳияти, ҳам дизайни, ҳам сифати билан ноширлик маданиятимизнинг ўзига хос ютуғи бўляпти. "Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) ҳадислари Лев Толстой сайламасида" деб номланган мўъжаз китоб ҳам фикримиз далилидир. Бу китобни мутолаа қилган ҳар бир китобхон бир дунё маънавий бойлик олиши шубҳасиз.

Нурбой АБДУЛҲАКИМ,
филология фанлари доктори

ТОЛСТОЙНИНГ ЭЪТИҚОДИ

ёхуд улғу адибни тарк этмаган нур

бўлмайдим. Худони танимоқ ва яшамоқ — айна бир нарса. Худо — ҳаётдир".

"Яша, Худони излаб топ, шунда ҳаётинг Худосиз бўлмайди". Шунда дилимдаги ва атрофимдаги нарсаларнинг ҳаммаси ҳар қачонгидан қулқор нурлини кетди ва бу нур ортқ мени тарк этмади".

Толстой "Иккоронома"сидаги бу сўзлар адабиёт ва санъат муҳиблари учун янглик эмас. Ўзбекистон Кахрамони устоз Озод Шарафидинов таржимаси орқали бу асар улгарга таниш. Бизнинг ҳоғоз қоралашдан мақсадимиз эса, донишманд бобомиз Зокирхон Фурқат таъбири билан айтганда "ўзга ерга реша чекмақдир".

Яқинда кўлимга бир китоб тушди. Китоб "Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) ҳадислари Лев Толстой сайламасида" деб номланади. Филология фанлари номзоди Абдумурод Тилов таржимасида нашр этилган бу китобга профессор Хамидулла Болтабоев масъул муҳаррирлик қилган ва мухтасар, лекин теран сўзбоши ёзган. Туркисини айтиб, китоб Толстой ҳақидаги тасавуруларини янги бир поғонага кўтарди. Улғу адибнинг буюк диншунос ҳам эканлини, диний бағрикенглик деган туйғу Толстойнинг фитрида бўлганини англагандай бўлдим.

бўлимда кавказлик Елена Векилованинг Толстойга ва адибнинг бу куюнчақ онага ёзган хатлари, учинчи бўлимда эса буюк ёзувчи "Иккоронома"сидан сараланган саҳифалар берилган. Ва ниҳоят, тўртинчи бўлим мазкур китобнинг турли тиллардаги таржималари фотонусхалари ва Толстой ҳаётига оид ҳужжатлар ҳамда суратлардан таркиб топган.

Толстой сайлаган ҳадислар дастлабки ҳадис матни куйидагича: "Хурмо дарахти остида ухлаб қолган ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) уйғонсалар, қўлида бир қилич билан унинг устида душмани Дўсуур турибди. У сўради: "Эй Муҳаммад, энди сени ўлимдан ким кутқаради?" Ҳазрати Муҳаммад жавоб берди: "Оллоҳ!"

Дўсуурнинг қиличи ерга тушди. Уни қўлга олган Расулulloҳ ўз навабатида сўрадилар: "Эй Дўсуур, энди сени ўлимдан ким кутқаради?" Дўсуур: "Ҳеч ким!" — деб жавоб берди. Расулulloҳ уни овоз қилиб: "Бил, сени ҳам ўлимдан менинг Оллоҳим кутқарди", дедилар ва унинг қўлига қиличини қайтариб бердилар. Дўсуур кетатти: "Сен мендан хайрлироқсан", деди. Расули акрам: "Мен бунга сендан кўра ҳақлироқман", деб жавоб қайтардилар.

Дўсуур: "Мен Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигини ва сен Унинг расули эканлигини ишондим", дея шаҳодат келтирди ва мусулмон бўлди. Дўсуур

беради. Бу динга тоза бир кўнгли билан муҳаббат қўйганини кўрсатади. Мана, уллардан айримлари:

— Ҳақиқат инсонлар учун нақадар аччиқ бўлса-да, ҳақиқатни сўйлагин.

— "Оллоҳим, мени мискин (фақир) қилиб яшат, мискин ҳолда жонимни ол. Қиймат кун мискинлар қаторида ҳашр эт!"


Ҳазрати Ойша сўрадилар: "Нечун, (бундай дуо қилмоқдасиз?), Эй Оллоҳнинг расули?" "Чунки улар жаннатга бойлардан қирқ йил аввалроқ қиражаклар. Эй Ойша, фақирларни сев ва уларни (риоят мажлисига) қийнлаштир, токи Қиймат кун Оллоҳ ҳам сенга яқинлашин".

"Оллоҳим! Мени фақирларча яшат, фақирлар билан ўлдир ва фақирлар қаторида ҳашр эт!"

— Жаҳаннам нафсга хуш келган нарсалар билан, жаннат эса нафс истаманган нарсалар билан ўралгандир.

— Ҳақиқий мўъминга бировни шарманда қилиш, ярамас ишлар билан машғул бўлиш ва фойдасиз сўзларни сўзлаш ярашмайди.

Тошкентнинг Ислом маданияти пойтахти деган фахрли номга сазовор бўлиши юртимиз ҳаётида катта тарихий, маданий-маърифий воқеа бўлиб, у ислом оламида Ўзбекистоннинг нуфузи ортиб бораётганидан далolat беради. Зеро, халқимизнинг ислом маданияти, фалсафаси ва фанига катта ҳисса қўшгани тарихдан маълум. Кўплаб тарихий ва архитектура ёдгорликлари, ноёб кўлэмаларнинг мавжудлиги, ва албатта, мамлакатимиз раҳбариятининг ислом маданиятини тиклаш ва ривожлантириш, бой маданий меросни ўрганиши ҳамда тарғиб қилиши, ислом қадамжоларини тиклаш ва ободонлаштириш юзасидан олиб бораётган оқилона сиёсати маъруз эътирофнинг юзага чиқишида муҳим рол ўйнади.



қизиқарли мисоллар мавжуд. Назаримда, маъруз асарни томошабинлар бир нафасда, диққатлари бўлимай томоша қиладилар. Зеро, муаллифлар киноархив материаллари асосида мусулмон оламининг табарруқ кўлэмаси ва унинг сақланиш шарт-шароитларига боғлиқ анча муҳим манбаларни экранда намойён эта олганлар. Шу билан бирга, юртимизда ёдгорликларни асраб-авайлаш, диний меросимизни сақлаш ишларига қандай муносабатда бўлинатгани ҳам филмдан тўқис намойён бўлади.

Тўртинчи, "Мозий гавҳари" филмида эса (режиссёр А.Ақбархўжаев, сценарий муаллифи З.Исмолов, оператор Т.Абдуллаев) Тошкент шаҳрида жойлашган Ҳазрати Имом, яъни Ҳасани-Момуннинг мажмуаси ҳақида ҳикоя қилинади. Картинада бу бебаҳо ёдгорликнинг тарихи, таъмирланиши ҳамда у билан боғлиқ маълумотлар камраб олинган.

Бу ноёб мажмуанинг қайта тикланиши йўлидаги улкан бунёдкорлик ишлари филмда бадиий-публицистик умумлашма даражасига кўтарилган.

Ҳужжатли ленталарда тасвирий ечим фақат хроника кадрлари билан чекланиб қолмайди. Режиссёр кўлэмалар, ал-Бухорийнинг таъмирланган мақбараси ва олимларнинг синхрон сўзлари филм матни билан уйғунликда кўз олдимизда буюк муҳаддис образини пайдо қилади. Дарҳақиқат, Тошкент — Шарқ юлдузи, Тошкент — Шарқ машъали, Тошкент — Шарқ дарвозаси. Юқорида номлари келтирилган филмларда экрандан таралаётган бу сўзлар ҳар бир кадрда ўзининг ёрқин ифодасини топган. Бу филмларни илҳом қилган бўлган бебаҳо тарихий кўлэмалар ҳақида ҳикоя қилинади.

Бу ҳужжатли асарда кўплаб қимматли ва фойдали маълумотлар бор. Унда, жумладан, Юртбошимиз ташаббуси билан 1989 йилдан Ҳазрати Имом мажмуида сақланаётган бу машҳур диний китобнинг Тошкент Ислом университетида нусхаси тайёрлангани ва бошқа шу каби

Режиссёр Ш.Махбубовнинг "Мусофиф Усмоний" филмида (сценарий муаллифи У.Уватов, оператор А.Зоҳидов) Халифа Усмон топириги билан тайёрланган олти Кўрбон китобларидан бири бўлган бебаҳо тарихий кўлэмалар ҳақида ҳикоя қилинади.

Унинг ҳар бири ишда бирор янгилик кўзга ташланади. Сабаби изланишдан, ўрганишдан чарчамайди. Мис идишлар, аслаҳалар, заргарлик безакларини таъмирлаш билан ҳам шуғулланади. Изланишлари натижасида "қандакори" ва "шабака" каби аънавий усулларни мустақил ўрганиб ва ўз ижодида улардан самарали фойдаланмоқда.

Турли хомашёлар ичида Ф.Ахметзянов нихоятда эгилувчан бўлган, ялтироқлик хусусиятига эга кумуш ишлатишни яхши кўради, уни жуда кўп имкониятларга эга металл ҳисоблайди. Ёғоч материаллардан, марж ва кашалотларнинг тиши, тўғнинг суяги, кийик, сайгоқ, жайронларнинг шохидан, терилардан буюмлар ишлаш устага завқ бағишлайди. Ҳар бир хомашёни эҳтиёткорлик ва эътибор билан ишлатади.

Сўнги пайларда Фанис яроғ-аслаҳалар, жумладан, пичоқлар ясашда шухрат қозонди. У ўзи ясаётган пичоқнинг шакли бетакор бўлишига, безаклари қуришига мос келишига ҳаракат қилади. Бу нарсани унинг ижодий фаолиятидаги тасавирий безак воситаларининг кенгайишига имкон берди. Узоқ теологияси бўйича ишлаб, аста-секин аънавий дамашқ пўлатидан пичоқ тайёрлашни ўзлаштирди. Бу усул билан ишлаганда суратлар ифодали бўлиб чиқади. У одатда аънавий 200-300 қатлам ўрнига, 60-120 та қатламга ишлаб бериб маҳсулот тайёрлайди.

Дамашқ пўлати безакбоп хусусияти, бетакор, ажойиб суратлар ишлаш имконияти билан Фанисни ўзига мафтун этиб келади. Дамашқ пўлатида асосан "зана-симон", "атиргул", "қуш кўз", "турк



А.РАҲИМОВ, "Ўзбектеатр" бирлашмаси ахборот бўлими раҳбари

ТОШКЕНТ — ШАРҚ МАШЪАЛИ

Айни кунларда "Ўзбеккино" миллий агентлигининг илмий-оммабоп ва ҳужжатли филмлар студиясида "Ўзқинохроника" раиси, тарих фанлари номзоди Шаҳодат Муродова раҳбарлигида шу мавзудаги туртта филм устидаги ижодий ишлар нисоҳасига етди. Шунинг айтиш кераки, маъруз филмларнинг муаллифлари мавзунинг ёришига катта масъулият билан ёндашдилар. Халқро жамоатчилик эътиборига ҳавола этиш мақсадида филмларнинг барчаси ҳозир рус, инглиз ва араб тилларига таржима қилинмоқда.

"Тошкент — ислом маданияти пойтахти" номи дастлабки филм (сценарий муаллифи Т.Шомуродов, режиссёр Х.Валиев, оператор А.Тулаганов) ҳужжатли ахборот тарзида бўлиб, унда шаҳар ўтмиши ҳақида ҳикоя қилинади. Мазмундор диктор матни орқали мамлакатимиз ва пойтахтимиз тарихи, унинг диққатга сазовор жиҳатлари, тарихий архитектура ёдгорликлари тарихи батафсил ва мунтазамлик билан оқиб берилди.



САҲНАДА... МУҲАББАТ ЭҲТИЁЖИ

Пойтахт театрлари ёзги таътилга чиқиб кетишдан олдин ўз муҳлисларини янги спектакл билан хушнуд этмоқдалар. Утган ойна охирига ҳафтасида Ўзбек Миллий академик драма театри инглиз драматурги Марк Равенхиллнинг "Окибат" (режиссёр Александр Гамиров), республика Еш томошабинлар театри М.Ю. Лермонтов киссалари бўйича "Истиффор" (режиссёр М.Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтининг дипломанти Ева Блинова), Тошкент давлат мусикали (оперетта) театри композитор Ференц Лигаранин "Кувнок бева" (режиссёр Валентина Митрофанова), А.Ҳидоятнов номидаги ўзбек давлат драма театри таниқли драматург Рихсидов Мухаммаджоновнинг "Ҳаёт барибир гўзан" (режиссёр Баҳодир Жўраев) асарларини томошабинларга тақдим этдилар.

Айниқса, рус академик драма театрида сахналаштирилган, машҳур француз ёзувчиси ва драматурги Франсуаза Саганнинг "Отлар холдан тойганда" асари Ўзбекистон театр санъати оламида катта воқеа бўлди. Ушбу спектаклда Аббор Ҳидоятнов номидаги драма театрининг актёри, Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов бош қаҳрамон — Генри-Жемс Честерфилд образини тўлақонли яратиб, юртимизда фаолият кўрсатаётган рус театрларининг ижодий мактабларига ва уларнинг аънаваларига машҳур ўзбек актёрлари Аббор Ҳидоятнов, Олим Ҳўжаев, Шукр Бурхоновларнинг ёрқин қадамларини, энг асосийси уларга хос маънавий-фалсафий йўналишни ва ДОНИШЛИКНИ олиб киргандай бўлди. Афзал Рафиқов рус театридаги ҳамкасбларига ички ҳис-туйғулар билан яшашни ва ижод қилишни улашди.

Хўш, Афзал Рафиқов ва унинг қаҳрамони нима демоқчи, умуман, "Отлар холдан тойганда" спектакли нима тўғрисида? Бу саволга ўз вақтида асар муаллифи Франсуаза Саган шундай жавоб берганда: "Бу асар бизнинг жамиятимиз, турмушимиз, ҳаётимиз тўғрисида. Мен бугун инсонларда муҳаббат етисмаслиги, инсонлар орасида оқибат ва диёнат йўқлиб бораётгани ҳақида сўзламоқчиман. Сизларни муҳаббатга чакирмоқчиман".

Спектаклни сахналаштирган Ўзбекистон санъат арбоби, рус театрининг бадиий раҳбари Владимир Шапиро драматург Ф.Саган голяри билан шундай жипслашиб ва бирлашиш кетгани, ким режиссёр ва ким асар муаллифи билиб бўлмайди. Улар икковлари ўз қаҳрамонлари билан бирга яшаيدилар, бирга нафас оладилар. Бундай бирлик энг машҳур театрларда ҳам кам учрайдиган ҳол. Шу бирликка спектакл рессоми Марина Сагдиева келиб қўшилади. Саҳнада ортиқча уй ва хонадан жиҳозлари йўқ. Хонадан катта дид билан безатилган, лекин бу ерда меҳр-муҳаббат аллақачон ўлиб бўлгани сезилади.

Спектаклнинг муваффақиятида Афзал Рафиқовнинг хизмати ва меҳнати нихоятда катта бўлди. У ўзи билан бошқа

актёрларни, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ольга Овчинникова (Фелисити Честерфилд), Анастасия Пенькова (Присцилла Честерфилд), Иван Ненашев (Юбер Дарсей), Константин Пирожков (Бертран Честерфилд), Диана Дубровина (Коралия Верне) ва бошқаларни хуш-қайфият, бойлик оламиндан олиб чиқиб, меҳр-муҳаббат томон етаклайди ва спектаклнинг гоёвий, маънавий-фалсафий юкни мустаҳкамлаб, рус академик драма театрига чуқур дард ва донишлик олиб киради.

А.РАҲИМОВ, "Ўзбектеатр" бирлашмаси ахборот бўлими раҳбари



А.РАҲИМОВ, "Ўзбектеатр" бирлашмаси ахборот бўлими раҳбари

ЯХШИ ИЖРО БЎЛСА БАС...

Сўнги пайларда Европа мумтоз мусикаси ва қўшиқлари ижросига қизиқиб ортиб бораётган кузатишмоқда. Бунинг турли мамлакатлар ижрочиларининг гастроллари ташкил этилаётгани ва уларга томошабинлар оқиб келаётгани ҳам кўрсатиб турибди.

Шу маънода Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта залида бўлиб ўтган мумтоз вокал хонандаларининг концерти диққатга сазовордир. Концертда Европанинг XIX—XX асрдаги буюк композиторлари — Моцарт, Верди, Пуччини, Доницетти, Антон Рубинштейн, Н.А.Римский — Корсаков, Рихард Штраус, Дебюсси, Франческо Чилеа, С.Рахманиновларнинг мураккаблиги туйғайли кам ижро этиладиган мумтоз асарлари янгради. Бу композиторлар мусика маданиятининг турлича услублари, хусусан, романтизм, классицизм, кеч романтизмда ижод этганлар.


Муҳими, тилга олинган асарларни Ўзбекистонда тўғилиб, шу ерда таълим олган, ўзбек хонандалик мактабини курган ижрочилар ижро этдилар. Улар орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрининг етакчи солистларидан бири Ренат Титев, республика конкурслари дипломанти, консерваториянинг "Концертмейстерлик маҳорати" кафедраси профессори Рамида Полатхонвалар бор.

Концертнинг қутилмаган жиҳати, унда бутун ҳаётини санъатшунослик фани ривожига бағишлаб келаётган, Бадиий академиянинг Санъатшунослик илмий-таълим институти етакчи илмий ходими Марфуа Ҳамидованин ижроси бўлди. Таниқли олиманин профессор

сионал санъаткорлар билан бирга сахнада тенг ижроси кўпчилиқда ҳайрат уётди.

...1975 йили Франциядаги Эйфел минорасида Париж муниципал миллий симфоник оркестри жўрлигида Ҳамид Раҳимовнинг "Бедана", Шарл Гуннинг "Ромео ва Жулетта" операсидан Жулетта вальси, Штрауснинг "Вена ўрмонлари эртақлари" асарини ижро этиб, талаб-қаранди тингловчиларини ҳайратлантирган консерватория битирувчиси Марфуа Ҳамидова, мана, орадан деярли ўттиз йил ўтиб, катта сахнага хонанда сифатида кўтарилди. Орадан шунча вақт ўтиб, катта сахнага кўтарилиш, талабчан тингловчи қаршида ўндан ортиқ асарни ижро этиш катта жасоратни талаб этади, албатта. Ким билади,

қиз ариyasi, "Подшоҳлик келинчаги"даги Марфа ариyasi, Рахманиновнинг романслари, Рихард Штрауснинг "Тун" романи ва серенадаси, Дебюссининг "Юдузли тун" ва "Ажойиб оқшом" ариylари тингловчилар қалбини асир этди. Хонандаларнинг биргаликда ижро этган Доницеттининг "Муҳаббат шаробини" операсидаги Одина ва Дул Камарнинг иккинчи романиси, Рахманиновнинг сопрано ва баритон учун ёзилган романслари, Вердининг "Отелло" операсидаги Яго ариyasi, Пуччинининг "Тоска" операсидаги Скарпиа ариyasi, Марфуа Ҳамидова ижросидаги Римский-Корсаковнинг шарқ романиси номини олган "Атиргул" асир бўлди", "Қорқиз" операсидаги Қор



Лариса ЛЕВТЕЕВА, санъатшунос

ОПЕРАМИЗНИНГ ЯНГИ ОВОЗИ

Ўзига хос овози, мусика маданиятини тушуниши, сахнада ўзини тутиши билан фақат юртимиз эмас, Европа давлатлари тингловчиларининг ҳам олқишига сазовор бўлиб келаётган ёшлардан бири Малика Норматовадир. У мусиканин академик хонандалик йўналиши бўйича Ўзбекистон давлат Консерваториясида, магистр босқичида таҳсил олади. Хали ёш бўлишига қарамай, М.Норматова истеъдоди, овоз имкониятлари билан кўплаб танловларда зафар кучиб келмоқда. Назира Аҳмедова номидаги, ўзбек композиторларининг энг яхши камер асарлари ижрочи танловларида, Чимкентдаги рус романсида, Санкт-Петербург шаҳрида ўтган Римский-Корсаков номидаги, Қозоғистоннинг Остона шаҳрида ўтказилган халқаро танловлардаги ютуқлари шулар жумласидандир.



Малика гуллар шахри Наманганда таваллуд топган. Илк бор мусика мактабида баян чолғуси бўйича таълим олган. Кейинчалик Наманган санъат коллежига хор-дирижёрлик мутахассислиги бўйича ўқишга кирган. Ёш Маликадаги сеҳрли овозини сезган устози З.Цурикова уни академик хонандалик йўналишига ҳам ўқишга таклиф қилади. Устозининг меҳнатлари, ўзининг кўнгил билан изланиши натижасида Маликанин овози сайқал топиб боради. Опера санъати сирларини мукамал эгаллаш иштиёқи уни Консерваториянинг академик хонандалик, яъни вокал йўналишига етаклаб келди. Ҳозирда Малика Норматова устози Г.Мухаммедова қўлида лирик сопрано овоз баландлиги бўйича таҳсил олмақда. Малика таниқли ўзбек аёл опера хонандалари Назира Аҳмедова, Халима Носирова, Саодат Қобулова, Муассар Раззоқоваларга ҳавас қилади. Уларнинг изидан бориб, етук санъаткор бўлиш йўлида изланмоқда.

"Ўзбек операларини қуйлашда урғуларни тўғри қўллашга эътибор бериш керак, акс ҳолда куйнинг миллийлиги, ўзбекона оҳанги йўқолади. Бу устозларимнинг ўғити", дейди ёш хонанда.

Лайло АБДУЛЛАЕВА

ШАҚЛ ВА ДИЗАЙН УСТАСИ

Фанис Ахметзянов бугунги кунда самарали ижод қилаётган истеъдод соҳибларидан биридир. Қизиқиш доириси кенг ва ранг-баранг. Ёшлигида Чирчиқ шаҳридаги кимёгарлар маданият саройининг халқ тасвирий санъат студиясида рангтасвир ва графика сирларини ўрганди. Кейинчалик кундузи безакчи рессом сифатида ишлаб, кечқурун студиядаги фаолиятини давом эттирди. Кўплаб замондошлари портретларини яратди, кўргазмаларда қатнашди ва портретчи рангтасвир устаси бўлишни олдига мақсад қилиб қўйди. Кейинчалик пластика ва заргарлик билан жиддий шуғулланишга қарор қилди.

Ф.Ахметзяновнинг ижодий изланишлари ҳар замонда тўқнашиб қолувчи иккита параллел йўналишда боради. Биринчиси миллий аънаваларга, Урта Осиёнинг ўтмиш маданиятига мурожаат қилиш. Иккинчиси ўз қиёфаси, алоҳида иш услуби, дастхати йўлидаги изланишдир. Фанис буюртма пичоқларни фақат ўз эскизи бўйича ишлайди. Кўпинча илгари ишлаган пичоқларига ўхшатиб ясаб беришни сурашади. Шунда ҳам у айнан кўчирмайди, ҳатто тарихий намуналар бўйича буюртма берилганда ҳам, баъзи ўзгартишлар киритиши мумкин.


Тайёрлаётган пичоқлари учун бир неча образларни "Минг бир кеча"даги "Али Бобо" эртагидан олган. Улар турмушда ишлатиладиган пичоқлар ва ханжарларнинг эслатида. "Малика Будур" пичоғи кичик ҳажмда бўлиб, лотин харфи "S" шаклига ўхшайди. Бу

Устанин ҳар бир ишда бирор янгилик кўзга ташланади. Сабаби изланишдан, ўрганишдан чарчамайди. Мис идишлар, аслаҳалар, заргарлик безакларини таъмирлаш билан ҳам шуғулланади. Изланишлари натижасида "қандакори" ва "шабака" каби аънавий усулларни мустақил ўрганиб ва ўз ижодида улардан самарали фойдаланмоқда.

Турли хомашёлар ичида Ф.Ахметзянов нихоятда эгилувчан бўлган, ялтироқлик хусусиятига эга кумуш ишлатишни яхши кўради, уни жуда кўп имкониятларга эга металл ҳисоблайди. Ёғоч материаллардан, марж ва кашалотларнинг тиши, тўғнинг суяги, кийик, сайгоқ, жайронларнинг шохидан, терилардан буюмлар ишлаш устага завқ бағишлайди. Ҳар бир хомашёни эҳтиёткорлик ва эътибор билан ишлатади.

Сўнги пайларда Фанис яроғ-аслаҳалар, жумладан, пичоқлар ясашда шухрат қозонди. У ўзи ясаётган пичоқнинг шакли бетакор бўлишига, безаклари қуришига мос келишига ҳаракат қилади. Бу нарсани унинг ижодий фаолиятидаги тасавирий безак воситаларининг кенгайишига имкон берди. Узоқ теологияси бўйича ишлаб, аста-секин аънавий дамашқ пўлатидан пичоқ тайёрлашни ўзлаштирди. Бу усул билан ишлаганда суратлар ифодали бўлиб чиқади. У одатда аънавий 200-300 қатлам ўрнига, 60-120 та қатламга ишлаб бериб маҳсулот тайёрлайди.

Дамашқ пўлати безакбоп хусусияти, бетакор, ажойиб суратлар ишлаш имконияти билан Фанисни ўзига мафтун этиб келади. Дамашқ пўлатида асосан "зана-симон", "атиргул", "қуш кўз", "турк



Хунардан унар

шом" каби безаклар ишлатилса-да, Фанис "табий Дамашқ" безагини кўпроқ эътиради. "Чунки бу безак қандай чиқишини айтиб бўлмайди, — дейди уста. — Ҳар сафар нимадир ўзгариб, олдингисига ўхшамайдиган безак пайдо бўлади".

Пичоқчиликда азалдан ишни қисмларга ажратиб бажариш тизими мавжуд. Бирок Фанис учун иш жараёнининг ҳаммасини — эскиздан тортиб пичоқ тайёр бўлгунча кечадиган жараённинг тиши, тўғнинг суяги, кийик, сайгоқ, жайронларнинг шохидан, терилардан буюмлар ишлаш устага завқ бағишлайди. Ҳар бир хомашёни эҳтиёткорлик ва эътибор билан ишлатади.

Сўнги пайларда Фанис яроғ-аслаҳалар, жумладан, пичоқлар ясашда шухрат қозонди. У ўзи ясаётган пичоқнинг шакли бетакор бўлишига, безаклари қуришига мос келишига ҳаракат қилади. Бу нарсани унинг ижодий фаолиятидаги тасавирий безак воситаларининг кенгайишига имкон берди. Узоқ теологияси бўйича ишлаб, аста-секин аънавий дамашқ пўлатидан пичоқ тайёрлашни ўзлаштирди. Бу усул билан ишлаганда суратлар ифодали бўлиб чиқади. У одатда аънавий 200-300 қатлам ўрнига, 60-120 та қатламга ишлаб бериб маҳсулот тайёрлайди.

Дамашқ пўлати безакбоп хусусияти, бетакор, ажойиб суратлар ишлаш имконияти билан Фанисни ўзига мафтун этиб келади. Дамашқ пўлатида асосан "зана-симон", "атиргул", "қуш кўз", "турк

Лариса ЛЕВТЕЕВА, санъатшунос

қиз ариyasi, "Подшоҳлик келинчаги"даги Марфа ариyasi, Рахманиновнинг романслари, Рихард Штрауснинг "Тун" романи ва серенадаси, Дебюссининг "Юдузли тун" ва "Ажойиб оқшом" ариylари тингловчилар қалбини асир этди. Хонандаларнинг биргаликда ижро этган Доницеттининг "Муҳаббат шаробини" операсидаги Одина ва Дул Камарнинг иккинчи романиси, Рахманиновнинг сопрано ва баритон учун ёзилган романслари, Вердининг "Отелло" операсидаги Яго ариyasi, Пуччинининг "Тоска" операсидаги Скарпиа ариyasi, Марфуа Ҳамидова ижросидаги Римский-Корсаковнинг шарқ романиси номини олган "Атиргул" асир бўлди", "Қорқиз" операсидаги Қор



Лариса ЛЕВТЕЕВА, санъатшунос

дуэти, Моцартнинг "Дон Жуан" операсидаги Дон Жуан ва Церлина дуэтини йилгиланган гулдурас карсақлар билан қарши олишди.

Баритон овоз соҳиби бўлган Ринат Титев ўзининг рецитатив маҳоратини намойён этди. Марфуа Ҳамидова Бельканто мактабини намойён этиб, ҳам техник, ҳам тасвирий ифодавий нуқтани назаридан юқори маҳоратга эга эканлигини кўрсатди.

Концерт муваффақиятида концертмейстер Рамида Полатхонваннинг хизмати катта бўлди. У фақат жўрвоз сифатида эмас, балки етак бадиий ижрочи сифатида хонандалар ижросининг юқори даражада бўлишига таъсир кўрсатди.

Мазкур концерт Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, консерваториянинг "Академик хонандалик" кафедраси профессори Муҳаддис Ризаева бошчилигида икки йил тайёрланди. Бу тадбир Европа мумтоз мусика меросига қизиқиш катта эканлини намойён этди.

Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА, санъатшунослик фанлари доктори

Абдулла КАҲҲОР:

“ЎҚУВЧИНИ ЎЗИНГДАН АҚЛИ ДЕБ БИЛГИН...”

Севимли газетада эълон қилинган “Фафур Гулом — мухбир” сарлаҳли мақола...

нон, мева-чева қўйилди. Кўп ўтмасдан меҳмонлар ҳам келиб қолишди...

Иброҳимжон ака мени таърифлаб бироз мактагандай бўлди. — Яхши, яхши, — дедилар Абдулла ака...

Хали ҳеч ким эшитмаган қўшиқларни қўйлаб келаятган тиник шалолалар қорли чўққилардан пастга қўйилиб...

О, юлдузлар, нега жимсиз, Нега мижза қоқмайсиз, Кўксингизда ҳаёлларму...

Дунё кенг... ТОВУҚЛАР ЖУМБОФИ Э.Мулдашев бошчилигидаги экспедиция иштирокчилари Пасха оролидаги қорларга киришга уринишганда уларга сирли мавжудотлар қаршилик қилгани ҳақида газетамизнинг ўтган сонларида ўқиганингиз. Қуйида тадқиқотчи олимнинг бу фаройид ҳодисалар тўғрисида “АиФ” газетасида эълон қилинаётган сўхбатнинг давомини ўқийсиз.

ҲУР ҚИЗЛАР

Садоқатдан сўйлар афсона

— Ҳа, шу ерда, — деди қизлар бара-варага. — Битта-битта чақираман, сизлар “мен” деб жавоб берасизлар, — деди Бойсуной.

Суворийлар сой ёнбағридаги тепаликка келиб, бўри кўзларини қадаб, қизлар тикилиб қараб туришарди. Қайдан наҳот топишди энди табиатнинг бу муштариф мавжудотлари...

Бир саволга жавоб тополмай ўйлиниб қоламиз: мен севган қаҳрамон ким? Бу савол жиддий мулоҳаза қилишга ундайди. Кўз олдимга Артур Конан Дойл қаҳрамонлари келади.

У ҳамиша тadbирли бўлган — тadbиркорлиги резинақадир. Резинани ҳеч қачон шляпа билан бирга қўшиб сотишмайдими, уни алоҳида сотиб олиш керак...

Мутлолаа Холмсга бошқа таъриф бериб ўтириш шарт эмас, чунки унинг ундабуронлиги, доно ва синчковлиги биргина шляпадан шунча маълумот топланиши ўзида намойён бўлиб турибди-ку!

СИЗ СЕВГАН ҚАҲРАМОН КИМ?

Унинг Шерлок Холмс ва доктор Уотсон ҳақидаги асари 56 кичик ҳикоя ва 4 новелладан иборат. Унда шунангизи кизик воқеалар, шу билан бирга ўта мудиҳ ва муҳаббат жиниётлар, кўзга кўринмас майда-чуйда жумбоқлар тасвир этилганки, асарни мутлолаа қилаётган ўқувчи бехиётчи ўзини худди изкувардек ҳис қилса ажаб эмас.

риб кетмаслигининг тadbирини кўрган. Аммо резинка узил-либ кетган, у янгисини сотиб олганга, шунга қараб айтиш мумкинки, илгари у ўзига оро бериб юрган, ҳозир эса ҳафсаласиз бўлиб қолган. Бироқ иккинчи томондан у шляпадаги доғларни яшироқ қилди, уларни сийиб билан буюмоқчи бўлган, демак, у иззат-нафисини ҳали унча йўқотмаган.

Ҳўш, айтилган сиз ўқиб-ган замонавий китобларда, сизни ўраб турган маънавий муҳитда бундай эргашива, ҳавас қилишга, яхши маънода тақдир қилишга аризулик одамлар кўпми ё оз. Уларнинг қайси бири Артур Конан Дойлнинг қаҳрамони қадабли эгзуликни ҳимоя қилишга қодир?!

Ҳа, бу бир афсона, албатта. Аммо Сурхондаги Бойсуно вояҳаси, Мачой қишлоғида ана шу афсонага алоқадор “Қирқ қиз” деб аталмиш бир хушманзара маскан бор. Эътибор билан қарангиз, қояга кўтариладиган жойда тошга айланган қотиб қолган ҳайкаллари кўриб ҳайратга тушасиз. Улар жон талвасасида тоғ чўққилари томон таллинган ўша афсонавий хур қизларни эслатади.

Ҳа, тоғ бағридаги “Қирқ қиз” аталмиш бу фаройид тош уюми бизга қадар етиб келган ҳазин ривоятни бот-бот эслатиб, бу оламда буюз қуллар ҳеч қачон ўзи мундоғига етолмаслигини, номус, орият ва поклик, гўзаллик абадий эканлигини таъкидлаб туради.



Машҳур адиб тугилган Эденбург шаҳридаги Шерлок Холмс ҳайкали.

бўлишга алоҳида эътибор беришмоқда. Шу маънода мутафаккир шоир ва давлат арбоби Алишер Навоийга бағишлаб болалар учун содда тилда ёзилган ушбу дoston, китобга сўзбоши ёзган академик Азиз Қайумовнинг таъкидлашича, ёш китобхонлар ўртасида Навоий ижодиини оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Солиевнинг “Шарҳловчининг йўли” китобини, ҳеч муболағасиз, журналистнинг умр дафтаридеб ҳам аташ мумкин. Китобдан кейинги ярим аср мобайнида мамлакатимизда, дунёда кечган турфа хил жараёнлар, воқеа-ҳодисалар тўғрисидаги муаллифнинг энг сара публицистик мақолалари, болалик ва ёшлик хотиралари ўрин олган.

Аюбхон Муҳаммадийнинг “Истиқлол” нашриётида чоп этилган янги “Улуғ тўйғу” тўпламига шоирнинг кейинги йилларда ёзган шеър ва газаллари, эртак дostonлари ва қатра чистонлари киритилган. Шоир Икром Отамурод китоб сўзбошида шундай ёзади: “Аюбхон Муҳаммадий табиятан шоир. Шерҳларида ўзи кузатган, ўзи шохид бўлган, ҳаётда у ёки бу сабаб билан дуч келган сирларини қаламга олади. Шунинг учун ҳам унинг сатрларида табиийлик нафақат сезилиб, балки шундоқ кўриниб туради...”

ЯНГИ КИТОБЛАР

Жанговар журналист ва шоир Назарматнинг номи кўпчилигимизга яхши таниш. Бугун ўз умрининг тўқсонини кекатибда турган адиб қаламига мансуб китоблар, шеърый асарлар ёнига яна бир гулдаста “Умрим мазмуни” қушилди. “Шарк” нашриёт-матбаа компаниясида юсак полиграфия ижрода чоп этилган мазкур тўпламдан муаллифнинг турли йилларда яратган шеър, дoston ва балладалари ҳамда бадий таржималари ўрин олган. “Ўзбек адабиётида Назармат ақанинг ўзига хос муносиб ўрни бор. — дейди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Уткир Хошимов. — Унинг шеър ва қўшиқлари, дoston ва насрий асарлари минглаб китобхонларни ҳаяжонга солган.”

Сўзбоши муаллифи Мақсуд Қориев, нашриёт муҳаррирлари Ш.Эргашева, У.Раҳимов, рассом М.Самойлов, адади 1000 нусха.

ди муаллиф. — Бу билан буюк Навоийнинг муҳлиси ва ўқувчиси сифатидаги бурчимни зарғара ҳулса-да адо этган бўлсам, ўзимни бахтиёр ҳисоблар эдим.

тоби адабиёт ихлосмандларига яхши соғва бўлган. Унда муаллиф устозлари Миртемир, Озод Шарафиддинов, Абдулла Орипов ва бошқа бир қатор адиблар билан бўлган мулоқотлари, олган сабоқлари тўғрисида самими

Масъул муҳаррир Жонибек Сувхон, мусаавир Э.Нурмонов, адади 1000 нусха.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШИМАСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati. Манзил: Тошкент — 700083, Матбуотчилик кўчаси, 32. Кабулхона — 133-52-91. Котибият — 136-56-50.

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ. «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН. Мадааният ва спорт ишлари вазирлиги жамоаси Республика ахборот ва методика маркази директори Нигмат Шериповга опаси.

ДИЛДОРА аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор этади.